

ОНЛАЙН МИКРОҚАРЗ АЖРАТИШ БУЙИЧА ОММАВИЙ ОФЕРТА ШАРТНОМАСИ

21 __ йил “ __ ” _____

Бир томондан “Агробанк” Акциядорлик Тижорат Банки (бундан буён матнда Банк деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 2017 йил 21 октябрда берилган 78-сонли лицензияга асосан фаолият юритувчи ва иккинчи томондан Ўзбекистон Республикасининг резидентларига (бундан буён матнда Қарз оловчи деб юритилади) ушбу оммавий оферта шартномани (бундан буён матнда шартнома деб юритилади) қуйидагилар тўғрисида туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Банк Қарз оловчига Агробанкнинг расмий веб саҳифаси (www.agrobank.uz ва www.my.agrobank.uz) ва банкнинг мобил иловаси орқали амалга оширилиши мумкин бўлган ва амалдаги қонунчилик билан чекланмаган тўловлар учун онлайн микроқарз (кейинги ўринларда кредит деб юритилади) беради. Қарз оловчи эса, Банкка олинган кредит суммаси ва унга ҳисобланган фоизларни шартномада белгиланган муддат ва шартларда тўлиқ қайтаради.

1.2. Кредит лимити банкнинг расмий веб саҳифаси ва мобил иловасидаги ўрнатилган махсус дастур орқали автомат тарзда (мижознинг банк картасига иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ҳисоб рақамидан келган маблағлар таҳлилидан келиб чиқиб, қарз юки доирасида, скоринг дастури орқали) белгиланиб, учинчи шахслар кафиллиги ёки кредит қайтмаслиги хатари суғурта қилиш асосида кўпи билан **10 000 000 (ўн миллион) сўмгача** бўлган миқдорни ташкил қилади.

1.3. Кредит муддати: Кредит 1 (бир) йил муддатга ҳар 6 (олти) ойнинг сўнги 4 (тўрт) ойида (3,4,5,6 ва 9,10,11,12 ойларда) тенг улушларда тўлиқ сўндириш ва дастлабки 6 (олти) ойда қайта ажратиш шarti билан (револьвер шаклида) ажратилади.

Бунда, иккинчи 6 ойликда қайтарилиши лозим бўлган график суммасига мутаносиб равишда маблағ ажратилади ва сўндирилган маблағлар қайта тикланмайди.

1.4. Кредитдан фойдаланганлик учун фоиз миқдори: _____ йиллик _____ (_____) фоиз.

1.5. Берилган онлайн микроқарзларга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ва шартнома тузилган санадан бошлаб 3,4,5,6 ва 9,10,11,12 ойлардаги график бўйича асосий қисми кредит ажратилган санадан қатъий назар тўланиши лозим бўлган ойнинг **5 санасидан кечикмаган** ҳолда тўланади.

2. ШАРТНОМАНИ АКЦЕПТЛАШ

2.1. Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 367-моддаси ва 369-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ оммавий оферта ҳисобланади.

2.2. Мижоз тизимга кириб тизимнинг ёки унинг айрим хизматларидан (www.agrobank.uz, www.my.agrobank.uz ва банкнинг мобил иловаси орқали) фойдаланишни маъқуллаганда Шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 370-моддасига асосан актцептланган ҳисобланади ҳамда мижоз қарз оловчи ва тўловларни амалга оширувчи сифатида қатнашади.

3. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Қарз оловчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Банкнинг “Банк филиаллари томонидан жисмоний шахсларга масофадан “Онлайн микроқарз” бериш тўғрисида”ги Тартиб талаблари билан танишиб чиқиш;

-ўз ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида, шу жумладан кредит бериш билан боғлиқ барча харажатлар ҳақида ишончли ҳамда тўлиқ ахборот олиш;

-кредит шартнома шартларининг шартномада белгиланган тартибда ва муддатларда бажарилишини талаб қилиш;

-олинган кредит суммасини қайтаришни ва мазкур кредит бўйича ҳисобланган фоизларни тўлашни муддатидан илгари амалга ошириш, бундай ҳолда фақат кредитидан ҳақиқатда фойдаланилган муддат учун фоизларни тўлаш;

-кредит шартномаси тузилган кундан эътиборан бир ой ичида кредитидан фойдаланмаган тақдирда, шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш.

Банкдан шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги натижасида етказилган зарарларнинг ўрнини қоплашни талаб қилиш.

3.2.Қарз олувчи ва кафил қуйидаги мажбуриятларга эга:

Кредити олиш ва фойдаланиш учун зарур ҳужжатларни тақдим этиши;

-кредитидан амалдаги қонунчиликка мувофиқ фойдаланиши;

-олинган кредитни қайтаришни ва мазкур кредит бўйича ҳисобланган фоизларни тўлашни шартномада белгиланган тартибда ҳамда муддатларда амалга ошириши;

-кредит бўйича муддати ўтган қарздорлик тўғрисида ёзма ёки электрон СМС тарзда хабар олинган кундан бошлаб 3 (уч) банк иш кунида қарздорликни Банкка тўлиқ тўлаб бериши;

-кредит тўловларини ўз вақтида тўламаган ёки тўлиқ тўламаган тақдирда банк томонидан ушбу тўловларни тўғридан-тўғри қарз олувчи ва унга кафиллик берган шахснинг ойлик иш ҳақисидан, банк картасидан, омонатдаги ёки депозитдаги ҳар қандай маблағлар ҳисобидан ҳамда бошқа банклардаги ҳисоб рақамларидан акцептсиз ундириб олинишига қаршилик кўрсатмайди.

Қарз олувчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши ва унинг зиммасида бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

3.3.Банк қуйидаги ҳуқуқларга эга:

-Кредит беришни рад этиш;

-шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш ва мониторинг ўтказиш учун зарур бўлган ҳужжатларни қарз олувчидан сўраб олиш;

-кредит бўйича тўлов 30 (ўттиз) иш кунидан ортиқ амалга оширилмаганда кредит ва унга ҳисобланган фоизларни суд тартибида, шу жумладан муддатидан олдин ундириш.

3.4.Банк қуйидаги мажбуриятларга эга:

Қарз олувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида, шу жумладан кредит бериш билан боғлиқ барча харажатлар ҳақида ишончли ҳамда тўлиқ ахборотни маълум қилиши;

-кредитни мазкур шартномада белгиланган тартибда ва муддатда бериши;

-кредит бериш қоидаларини ҳамма танишиб чиқиши учун қулай бўлган жойга жойлаштириши;

--шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги ёки тегишли даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарларнинг ўрнини қарз олувчига қоплаши шарт.

Банк қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши ва унинг зиммасида бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

4.КРЕДИТЛАШ ТАРТИБИ

4.1. Банк кредитни ҳисобга олиш учун қарз олувчига тегишли ҳисобварақларни очади.

4.2. Шартнома акцептлангандан кейин Банк кредит суммасини қарз олувчининг буюртмасида кўрсатилган тўлов шаклида ажратиб беради.

4.3. Ажратилган кредитни муддати келгандан сўнг қарз олувчининг банк карта ва масофадан бошқариладиган махсус ҳисоб рақамларига келиб тушаётган барча маблағлар дастурий тизим орқали автомат тарзда қуйидаги кетма кетликда: кредит бўйича ҳисобланган фоизлар, кредитнинг асосий қарзи, ҳисобланган пеняни ундириш учун йўналтирилади.

4.4. Банк кредитни қайтариш муддати келгандан сўнг, қарздорлик мавжуд бўлса қарз олувчининг банк картаси ва масофадан бошқариладиган махсус ҳисоб рақамлари ҳаракатини қарздорлик сўндирилгунга қадар вақтинчалик тўхтатиш орқали келиб тушаётган барча маблағларни қарздорлигини сўндириш учун йўналтиради.

4.5. Қарз олувчининг банк картасига ёки масофадан бошқариладиган махсус ҳисоб рақамларига 2 (икки) ой давомида маблағлар келиб тушмаган тақдирда кредитнинг ишлатилмаган қисми қайтарилади ёки кредитлаш махсус дастурий таъминот орқали тўхтатилади.

4.6. Қарз олувчи кредит маблағларидан амалдаги қонунчиликка зид равишда фойдаланган тақдирда кредит ва унга ҳисобланган фоизларни муддатидан олдин ундириб олишга ҳақли.

4.7. Банк юзага келган барча қарздорликларни қарз олувчининг мавжуд бўлган барча ҳисоб рақамларидаги маблағлар ҳисобидан мемориал ордер билан унинг розилигисиз ундирувни амалга оширади.

5. МАХСУС ШАРТЛАР

5.1. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, ундирувчилар ва давлат ижрочиларининг ундирувни қарздорнинг пул маблағлари ва бошқа мол-мулкига қаратиш тўғрисидаги қарорларини ижро этишда қарздорликлар кредит маблағлари ҳисобидан ундирилишига йўл қўйилмайди. Банк бундай қарорлар (талаблар)ни ижросиз қайтаради.

5.2. Банк қарз олувчи ҳақида ва у томондан кредит бўйича амалга оширилган операциялар тўғрисидаги маълумотларни сир сақланишини кафолатлайди ва ҳеч кимга ошкор этмайди. Маълумотлар фақат амалдаги қонунчиликка мувофиқ ошкор қилиниши ва тақдим этилиши мумкин.

5.3. Банк кредит маблағи берилишида банк хизматларини кўрсатганлиги ҳамда кредит маблағи ажратганлиги учун ушбу шартноманинг 1.4. бандига мувофиқ ҳақ олади, қарз олувчи эса ушбу ҳақни ўз вақтида тўлайди.

5.4. Қарз олувчи вафот этганда кредит бўйича қарздорлик амалдаги қонунчиликка мувофиқ суд тартибида унинг мол-мулкига ва/ёки меросхўрларига қаратилиши мумкин.

5.5. Қарз олувчи мазкур қарзга оид маълумотларни кредит тарихини ўрганиш бўйича мутассадди ташкилотларга тақдим қилинишига розилик беради.

5.6. Мазкур шартномани ижро этиш бўйича, ҳар қандай суд инстанциясида банк тақдим этган ҳужжат, ушбу қарздорлик суммаси Банкка тегишлилиги ва тўланиши лозимлигини тасдиқловчи prima facie (бирламчи) далил ҳисобланади.

5.7. Ушбу шартнома асосида берилган кредитлар учун жорий қилинган карантин вақтидаги “Кредит таътиллари” қўлланилмайди.

6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

6.1. Шартнома қарз олувчи томонидан акцептланган кундан бошлаб кучга киради.

6.2. Ушбу Шартнома кредит муддати даврида амал қилиб, кредит юзасидан барча қарздорликлар сўндирилганидан кейин бекор қилинади.

7.ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР

7.1. Агар шартноманинг бажарилмаганлиги, шартнома тузилгандан сўнг юзага келган сув тошқини, ёнғин, zilзила ва бошқа табиий офатлар, оқибати ҳисобланса, тарафлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларининг тўлиқ ёки қисман бажармаганлиги учун жавобгар бўлмайди. Тарафларни мажбуриятини бажаришдан озод қилиши учун бу форс-мажор ҳолатлар мажбуриятининг бажарилмаслигига тўғридан-тўғри тўсқинлик қилган бўлиши лозим.

8.ТОМОНЛАР ЖАВОБГАРЛИГИ ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

8.1. Тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси ҳамда амалдаги қонунчиликка асосан белгиланади.

8.2. Мижоз топшириғига асосан кредит суммаси ўз муддатида ўтказиб берилмаганда, “Банк” “Қарз олувчи”га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,2 фоизи миқдоридан пеня тўлайди. Бироқ, бунда пенянинг умумий суммаси ўтказиб берилмаган сумманинг 10 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

8.3.Кредит ва унинг фоизлари ўз вақтида қайтарилмаганда, миждоз кредит қарздорлигининг ҳар бир кечиктирилган куни учун 0,2 фоиз миқдоридан, аммо кредит қолдиғи суммасининг 10 фоизидан ошмаган миқдорда пеня тўлайди.

8.4. Шартнома бўйича юзага келадиган барча низолар миллий валютада банк карта ҳисоб рақамини очилган банк филиали жойлашган ҳудуддаги суд томонидан кўриб чиқилади.

8.5. Мазкур шартнома акцептлангач қарз олувчи томонидан имзоси ўз қўли билан бажарилиб имзоланган ҳамда электрон имзо билан тасдиқланиб тузиладиган шартнома билан тенг юридик кучга эга ҳисобланади.

9.ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

БАНК

“Агробанк” АТБ

Юридик манзили: Ўзбекистон
Республикаси, Тошкент ш.
Муқумий кўчаси, 43-уй.

Индекс 100096,

E-mail: headoffice@agrobank.uz

Web: www.agrobank.uz

МИЖОЗ

Ф.И.Ш.

Паспорт серия ва рақами

СТИР